Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 26 май жума

Сотувда эркин нархда

№ 100 (2397)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Берн Иттифоқи»га аъзо Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликларининг навбатдаги йиғилиши иштирокчиларига йўллаган ТАБРИГИ

*Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!*

*Кўп асрлик тарихий, маданий, савдо-иқтисодий анъаналарга эга, қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон диёрида ўтказилаётган "Берн Иттифоқи"га аъзо Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликларининг навбатдаги йиғилиши иштирокчиларини муборакбод этишдан мамнунман.*

*Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатлари асосларини шакллантириш изчил давом эттирилмоқда. Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув, халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиб берилмоқда.*

*Жаҳон иқтисодиёти тараққиёти кенг истиқболларни очиш билан бирга, айрим мамлакатлардаги молиявий инқироз ва беқарорлик билан боғлиқ муайян таваккалчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда "Берн Иттифоқи"га бирлашган экспорт-кредит агентликларининг қадри янада ошади.*

*Сизнинг кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш борасидаги фаолиятингиз инвестиция жараёнларини жонлантириш ва фаоллаштириш имконини беради, иқтисодиёт барқарорлиги учун асос бўлиб хизмат қилувчи мустаҳкам ва ишончли молиявий тизим ривожини таъминлайди.*

*Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бозор ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бу борада "Берн Иттифоқи" кредит ва инвестициялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини кенгайтириш, миллий ишлаб чиқаришни энг илғор технология асосида ривожлантириш ва мазкур мамлакатларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнини тезлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш орқали жуда катта ёрдам кўрсатиши мумкин.*

*Ишончим комилки, сиз Тошкентда ўтказаётган йиғилиш давлатлараро савдо-иқтисодий муносабатларни қўллаб-қувватлаш тамойилларини уйғунлаштиришга янгича руҳ бағишлайди. Молиявий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.*

*Йиғилишнинг барча қатнашчиларига ишларида муваффақият ва самара тилайман.*





# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

25 май куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бошланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – котибиятни ташкил этди ва кун тартибини тасдиқлади.

Сўнгра Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятидаги устувор жиҳатлари тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи Президент Ислом Каримов томонидан олға сурилган мамлакатимизни янги аср бўсағасида ва бошларида ривожлантиришнинг стратегик дастури мустаҳкам ҳуқуқий асосни тақозо этишини таъкидлаб ўтди. Миллий қонунчилик яқин йилларда жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини янада эркинлаштириш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратишга йўналтирилган ҳолда тараққий этади. Шу муносабат билан Олий Мажлис фаолиятининг истиқбол дастурида нафақат янги қонунлар қабул қилиш, балки реал вазиятни ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонунларни такомиллаштириш кўзда тутилган. Айни пайтда, парламент, аввалгидек, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижросига, жойларда уларнинг қўлланишини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга катта эътибор беради.

Парламент депутатлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари парламентнинг сессияда кўрилаётган 2000-2002 йилларга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини ўзида ифода қилувчи мазкур ҳужжатнинг муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан Президент белгиланаётган тадбирларни амалга оширишда, умуман, қонунчилик жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг фаол иштироки муҳим ўрин тутишини қайд этди. Халқ депутатлари ўз мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этиши, қабул қилинаётган қонунларда ҳар доим сайловчилар фикрини ҳисобга олиши ва ҳимоя қилиши лозим. Сиёсий партиялар фаолият дастурларини янада аниқ режалаштириб олиши ҳамда уни қонунчилик йўли билан изчил амалга оширишга эришиши керак. Улар олдида турган мақсад ягона, бироқ бу мақсадга эришиш йўллари турлича бўлиши мумкин.

Президент, шунингдек, қонунчилик фаолияти механизмини энг яхши хорижий парламентаризм тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини қайд этди. Бунинг учун, энг аввало, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва кўриб чиқишнинг янада такомиллашган тартибини ишлаб чиқиш зарур. Энг муҳим қонун лойиҳалари бир неча бор қайта кўриб чиқилганидан сўнг қабул қилиниши лозим. Ислом Каримов парламент ишини такомиллаштириш зарурати тўғрисида гапирар экан, келажакда икки палатали қонун чиқарувчи орган тузишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат мудофаа қудратини янада юксалтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа масалаларига тўхталиб ўтди.

Депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлик жиҳатлари тўғрисида"ги ҳужжатни тасдиқлади.

Молия вазири Р.Азимов депутатларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ва 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида ҳисобот берди. Бу масала бўйича парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Сессияда мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Фарғонадаги "Нефткимёмонтаж" тресети бошлиғи Р.Жалилов, "Билдинг-технолоджиз" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори С.Ким, Тошкент Давлат аграр университетининг "Эконометрия ва информатика" кафедраси мудири А.Абдураҳимов сўзга чиқди. Парламент Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ҳавола қилди. Ушбу масала юзасидан "Ўзтадбиркорбанк" акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси С.Қамбаров сўзга чиқди.

Олий Мажлиснинг кечки йиғилишида депутатлар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамасини давом эттирдилар. Бу масала юзасидан Шаҳрихон шаҳридаги "Ривож" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бош директори К.Отахонов, "Виртекс" Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси бошқаруви раиси Б.Обидов, Бойсун тумани ҳокими Т.Ҳамроев сўзга чиқди. Қонун депутатлар томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари К.Йўлдошев "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров, Чортоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров, Қашқадарёдаги "Дон – халқ ризқи" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Темиров, "Бухоротурист" акциядорлик жамияти раиси М.Зокиров қатнашди. Парламент Қонунни қабул қилди.

"Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков сессия муҳокамасига тақдим этди. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраев, "СамКочавто" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси директори С.Ўроқов, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худайбергенов, Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, "Фарғонаазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаев чиқишларидан сўнг бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Шундан сўнг парламент Олий Мажлиснинг Фидокорлар миллий демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этмоқда.

**СУРАТЛАРДА: сессия пайти.**

**А. ТЎРАЕВ, Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «БЕРН ИТТИФОҚИ» ТОШКЕНТДА: ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кредит ва инвестициялар суғуртачиларининг халқаро "Берн Иттифоқи"га аъзо бўлган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликлари йиғилишида халқаро савдо, давлатлараро молиявий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришга доир долзарб муаммолар муҳокама қилинади. Бу анжуман Тошкентда, "Шератон" меҳмонхонасида бўлиб ўтмоқда. Уни "Берн Иттифоқи"нинг бош котиби Вант Виир бошқарди.

Анжуман очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг йиғилиш иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Ушбу мактубда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари изчиллик билан давом этаётгани, шунингдек, халқаро иқтисодий-савдо муносабатларини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув ва хорижий сармояларни жалб этишга алоҳида аҳамият берилаётгани қайд этилди. Бироқ жаҳон иқтисодиётига кириб бориш жараёни нафақат янги имкониятлар яратади, балки муайян таваккалчиликни ҳам вужудга келтиради. Бунинг олдини олишда "Берн Иттифоқи"га кирувчи экспорт-кредит ва суғурта агентликларининг аҳамияти катта. Уларнинг кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш билан боғлиқ фаолияти инвестициявий жараёнларни фаоллаштиришга, молиявий тизимнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

"Берн Итифоқи" иштирокчилари бозор ўзгаришлари самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлган хусусий тадбиркорлик жараёнларини ривожлантиришда катта ёрдам бериши мумкин. Кредит ва инвестиция ресурсларидан фойдаланувчилар доирасининг кенгайиши илғор технологияларни қўлловчи миллий ишлаб чиқаришларнинг тараққиёти учун қулай шароит яратади.

Эслатиб ўтамиз, "Берн Иттифоқи" 1934 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда унинг таркибида 40 мамлакат экспорт-кредит агентликлари ва битта халқаро ташкилот бор. 1998 йил охиридаги маълумотларга кўра, иттифоқ аъзоларига берилган суғурта тўловларининг умумий ҳажми 523 миллиард АҚШ долларига тенг. Улардан 380 миллиарди жаҳон экспортини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Йиғилишда Марказий ва Шарқий Европадаги 10 дан ортиқ мамлакатлар экспорт-кредит ва суғурта агентликлари, компаниялари, корпорациялари ва банклари раҳбарлари қатнашмоқдалар. Улар халқаро савдони кредитлаш ва инвестициялар учун қулай шароитлар яратишда муҳим ўрин тутадиган экспорт-кредит муассасалари ўртасидаги самарали ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар. Шунингдек, "Берн Иттифоқи"га аъзо мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, экспорт суғурталаш соҳасида маркетинг усуллари ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда янги экспорт-кредит агентликларининг ривожланиши истиқболлари кўриб чиқилади.

**(ЎзА).**

# ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР МУҲОКАМАСИ

**Махсус мухбирларимиз Шуҳрат ЖАББОРОВ ва Исмат ХУДОЁРОВ Олий Мажлис сессияси залидан ҳикоя қиладилар**

Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси мамлакатимизнинг барча минтақаларида ислоҳотларни жорий этиш авжига чиққан паллага тўғри келди. Албатта, парламент таркиби жамиятимизни муайян даражада акс эттиради. Халқ вакиллари орасида ҳиссадорлик жамиятлари раислари, хўжалик раҳбарлари, банк ходимлари, ижодкорлар, янги шаклдаги корхоналарнинг мутахассислари – турли жабҳа вакиллари бор. Кун тартибидаги масалалар мавзуига эътибор қилсак, бу сессия кўпроқ жамиятимизнинг асосий қатламларидан бири – тадбиркорлар фаолиятига боғланган дейиш мумкин.

Шуни айтиш кераккки, кун тартибидаги биринчи масала – «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида» Олий Мажлис Раиси Э. Халилов маъруза қилганида парламентимизнинг XXI аср бошида амалга ошириши керак бўлган вазифалари барчанинг кўз олдида гавдаланди.

Танаффус пайтида депутатлар билан суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.

**Бахтиёр ТЎРАҚУЛОВ** (184-Бувайда сайлов округи):

– Президентимиз бу сафар ҳам депутатларни фаолликка, таъбир жоиз бўлса, ҳушёрликка даъват этдилар. Тўғри-да, олдимизда турган икки ярим йиллик даврга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилар эканмиз, ҳар биримиз сайловолди мавсумида халққа берган ваъдаларимизни ёдга олсак, ўринли бўлади. Депутатларнинг кўнглидаги гапларни Юртбошимиз айтдилар. Айниқса, жамиятимиз бугунга келиб, сиёсий жиҳатдан, демократик тамойилларни ҳаётга сингдириш жиҳатидан етилиб бораётганлигини таъкидлаганларида, очиғи, қалбим ғурурга тўлди. Ҳа, мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги бораеида ҳам янги поғоналарга кўтарилдик. Илгари мустабидлик даврида Олий Совет қабул қилган қонунларни эндиликда яратилаётган қонунлар билан таққосласак, манзара ойдинлашади. Аввал нима бўларди? Москва қабул қилган қонунларга озгина ўзгартиш киритиб қўя қолардик. Энди эса ҳар бир қонун халқимизнинг бой тарихий анъаналари, менталитети ва дунё қонунчилик амалиётида эришилган энг сўнгги ютуқларни мужассамлаштириш орқали дунёга келаяпти. Булар – халқимизнинг катта ютуғидир.

**Эргаш МИРЗАЕВ** (112-Гўзалкент сайлов округи):

– Сессия минбарида бир фикр алоҳида янгради, яъни парламент ўз фаолияти жараёнида жуда кўп қонун яратиши мумкин, лекин уларнинг ичида муҳимларини биринчи навбатда қабул қилиши керак. Президентимиз ўз чиқишларида шундай долзарб қонунлар борки, уларни бугун эмас, ҳатто кеча қабул қилишимиз керак, деганларида халқимизнинг ҳаётий қизиқишларини акс эттириши лозим бўлган қонунларни назарда тутдилар.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун ҳам, менинг назаримда, бугунги кун талаб қилиб турган қонунлар сирасига киради. Мазкур лойиҳа муҳокамаси жараёнида жуда кўп мутахассислар ўз таклифларини айтдилар. Биз қўмитада уларни диққат билан ўрганиб чиқдик, эътиборли фикрлар ҳисобга олинди.

Ушбу қонун ишга тушса, нафақат бугунги ҳаётимиз, балки келажагимиз ҳам ғубордан холи бўлишига кафолат яратилади. Айни пайтда, мазкур қонун Соғлом авлод йилида кун тартибига қўйилганида катта рамзийлик бор.



**Нормўмин ЧОРИЕВ** (142-Қумқўрғон сайлов округи):

— Мен янги чақириқ иккинчи сессиясини ҳам рамзий, ҳам асл маъносида ишчи ва ишчан сессия, деб атагим келади. Ишчи сессия, дейишимнинг боиси шуки, унда илк бор қонун лойиҳалари ва яна бир қанча муҳим ҳужжатларни муҳокама қилаяпмиз. Ишчан сессия дейишимнинг маъноси эса, унинг муҳокамасига сессиялар оралиғидаги муддат қисқа бўлиши, Парламент таркиби янгиланганига қарамай, тўртта янги қонун, учта янги таҳрирдаги қонун лойиҳалари ҳамда бир қанча қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишига эришилди. Ва, табиийки, биз ҳам сайловчиларимиздан ҳамда ўзимиз томонимиздан тайёрланган таклифларимизни тегишли қўмиталарга ўз вақтида етказдик. Уларнинг айримлари инобатга олинганидан, лойиҳага киритилганидан мамнунлигимизни ҳам айтишни истардим.

Сессия томонидан қабул қилинган ва муҳокамага киритилган қонун ҳамда қонун лойиҳалари қайси соҳага таааллуқли бўлмасин, аввало, ўша соҳани эркинлаштиришга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Буни алоҳида таъкидлашимизнинг боиси шундаки, жамият олдига мамлакатимиз раҳбари барча соҳаларни эркинлаштириш масаласини қўйдилар. Ва барча қонун лойиҳаларини тайёрлашда қўмиталар, мутахассислар масалага ана шу нуқтаи назар билан ёндошганларини сезиш қийин эмас.

**Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ** (162-Янгийўл сайлов округи):

— Сессиянинг биринчи иш куни анча сермаҳсул бўлди, деб ўйлайман. Чунки унда бир қанча муҳим ва долзарб масалалар, қонун лойиҳалари муҳокама қилинганидан сўнг қабул қилинди. Мен улар ичида, айниқса, Давлат бюджети ижросининг депутатлар томонидан маъқулланганини, қабул қилинган Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунларни яна бир бора таъкидлашни истар эдим. Менимча, Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида қабул қилинган қонун, биринчидан, тадбиркорлар сонини кўпайтиришга, иккинчидан, солиқ тушумини оширишга, учинчидан эса, янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Менга, айниқса, Президентимизнинг тадбиркорларга эркинлик бериш, тадбиркорлар ҳақида олдин яратилган ҳамма қонунларни бир жойда жамулжам қилиш кераклиги ҳақидаги гаплари таъсир қилди. Мамлакатимиз раҳбари бундай гапни биринчи бор айтаётганлари йўқ. Аввалги сессияда ҳам деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, илҳомбахш гапларни айтган эдилар. Дарҳақиқат, тадбиркорга, қолаверса, барча соҳа ва йўналишларга эркинлик яратиш керак. Жамият ва фуқаролар олдида турган асосий вазифаларимиздан бири бу. Бугун ана шундай эзгу-мақсадларимиздан бир қанчасининг ҳуқуқий асосларини яратиб бердик. У эрта-индин амалга киради, ҳаракатга келади.

*Иккинчи чақириқ Олий Мажлис иккинчи сессияси биринчи иш куни самарали ўтди. Шу ўринда айтиш жоизки, муҳокамага қўйилган барча қонун лойиҳалари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Лойиҳаларни тайёрлаган тегишли қўмита вакилларига кўплаб саволлар тушди. Бу эса ўз навбатида сессиянинг иккинчи иш куни ҳам ана шундай қизғин ва баҳс-мунозара вазиятида ўтади, дейишимизга умид туғдиради.*

*Пилламиз — тилламиз*



# УЙНИНГ ТЎРИГА ЧИҚАРИЛГАНГА ЯРАША

Ҳақиқатан ҳам, пиллакорнинг ўзи уйининг ташқарисида қолиб, қуртни унинг тўрига чиқаради. Хўш, у шунга яраша даромад кўрадими? Ахир қарийб бир ой давомида на ейиш-ичишида, на ётиш-туришида ҳаловат бўлади.

— Ўрганиб қолганим учун тутаман, — дейди Усмон Юсупов туманидаги 24-жамоа-ширкат хўжалигининг аъзоси Муқаддам Ҳайдарова. — Уйим тор, бор-йўғи 4 хона. 10 бола билан ўзим зўрға сиғаман, шунинг учун маиший хизмат кўрсатиш уйининг бўш ётган иккинчи қаватида қурт боқаяпман. Етти йилдан бери шу жойни куртхона қилиб олганман. Бу йил қуртни энг охирида олдим. 52 килограмм топширишим керак эди, 30 килограмм чиқди. Ҳа, майли, борига барака.

— Шартнома тузмагансизми?

— Йўқ,

М.Муҳаммадалиева ҳам шу хўжаликда яшайди. 3 қути уруғдан 146 килограмм пилла топширди. 4 фарзанди, келини шу иш билан андармон. 3 халта ун, 10 минг 500 сўм пул, 15 килограмм ёғ олганига хурсанд. Яна қўлига пул тегишидан умидвор. Шартнома тузиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

— Нега унни, ёғни қиммат нархда олгансизлар? — сўрайман хўжалик бош ҳисобчиси Эшпўлат Ғаффоровдан.

— Аванс пулини вақтида тушириб беришмади. Шундан кейин мажбур бўлиб ҳиссадорлик жамиятидан 12 апрел куни шу маҳсулотларни олгандик...

Аслида 48 қути пилла уруғидан олинадиган 2100 килограмм ҳосил учун, туман шартномага мувофиқ, «Пилла» очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан 14 апрелда 24-хўжалик ҳисобига 346500 сўм ўтказиб берилган.

— Умуман, ун, ёғ тарқатиш шартми? — деган саволимизга эса, у елка қисиб қўя қолди.

1999 йили хўжаликда 2100 килограмм ўрнига 2136 килограмм пилла топширилган. 369 минг сўм харажат қилиниб, 400 минг сўм даромад қилинган. Фойда — 31 минг сўм.

Бу йил харажат 510 минг сўмни ташкил этаяпти. Даромад қандай бўлади? Пиллакорларнинг манфаатдорлиги-чи? Ахир ўтган йили биринчи нав пилланинг нархи 220 сўм бўлган бўлса, бу йил 300 сўмдан 380 сўмгача. Бу маълумотни биз Усмон Юсупов тумани «Пилла» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Музаффар Ҳодиевдан олдик. Хўжалик бош иқтисодчиси А.Расулов пилланинг нархи қанчалигини билмаслигини айтди.

Халқимизда «Ишла кўзингдан, ош-нон ўзингдан», деган гап бор. Назаримизда, айрим хўжаликларда пиллакорларга шундай муносабатда бўлинаётир. Масалан, мазкур хўжаликда пиллакорларга ҳар қути уруғ учун 3 килограммдан қоғоз тарқатилганлигини ҳисобга олмаса, яна нима қилиб берилган? Шунга қарамай, пиллакорлар ишлашаяпти. Шу туфайли Усмон Юсупов туманида бу йил Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб пилла топшириш бошланиб, дастлабки марра эгалланди. Ҳосил чўғи 20 тонналик «кумуш хирмон» уюлишидан далолат бериб турибди. Айниқса, «Миришкор» хўжалигида ҳар қути уруғдан ўртача 60 килограммдан пилла олинди. Хўжаликда умумий хирмон салмоғи 8 тоннага етказилиши кутилмоқда.

Музаффар Ҳодиевнинг ишонтиришича, бу йил пиллакорларнинг иш ҳақи 80 кун ичида бериб бўлинади.

Буни Қашқадарё вилояти «Пилла» акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Хайрулла Бекназаров ҳам тасдиқлади.

— Ўртача 1 килограмм пилланинг нархи 380 сўм, — деди у. — Ўтган йили 180 сўм эди. Фарқ борми? Бор. Бу йил қуртда чиқим бўлмади. Нам йўқлиги сабабли, барг қотди. Лекин бу унча зарар етказмади. Ҳосил яхши. Кутилган 2100 тонна пилла етиштирилади. Худо хоҳласа, ундан ҳам ошади.

Маълум бўлишича, вилоят бўйича 7 минг қути маҳаллий, хориждан келтирилган 30 минг қути уруғ тарқатилган. Маҳаллий қурт уруғининг 1 қутиси 1300 сўм, хорижники 2280 сўм. Хўш, қайсиниси саноатбоп? Қай биридан пиллакор кўпроқ даромад кўради? Масаланинг бу томонлари ва уларга яратилаётган меҳнат шароити ҳақида ҳам ўйлаб кўриш вақти келди. Афсуски, пилла, пиллакор ҳақида айни мавсум чоғида гапирилади-ю, кейин унутилади. Ваҳоланки, энди бу соҳага ҳам замон талабидан келиб чиқиб қараш, шу тариқа пиллакорларнинг манфаатдорлигини ошириш лозим.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Иқтисодчи мулоҳаза юритади*

# ЎЗИНГДА БЎЛГАНИГА НЕ ЕТСИН!

**Миллий ғурур билан иқтисодиёт ўртасида узвий боғлиқлик бор, десак, айримлар ҳайрон бўлиши мумкин. Фикримизни исботлаш учун битта мисол келтирамиз. Американлар дўкондан асосан ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишни хуш кўришади. Бошқача айтганда, ўз маҳсулотлари билан фахрланишади. Демак, бу мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқариш ҳамиша рағбат топади. Одамлар янги маҳсулот яратишга интилади.**

**Иқтисодий ривожланишнинг ўзбек модели ҳам бевосита мазкур йўналишга асосланган.**

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишнинг муҳим масалаларидан бири – бу экспортнинг хомашёга йўналтирилганлигини бартараф этиш, четдан келтирилаётган бутловчи қисмлар, асбоб-ускуналарни ўзимизда ишлаб чиқарадиган корхоналар қувватларини ошириш ва ривожлантиришдир.

Маълумки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида тўхталган эдилар. Илғор жаҳон тажрибаси кўрсатаётганидек, таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг бундай йўналиши барча ресурслар ва маҳаллий хомашёдан янада самарали фойдаланиш, жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, кадрларнинг касб маҳоратини ошириш имконини беришига шубҳа йўқ.

Ушбу вазифани бажариш учун, Самарқанд вилоятида мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган Дастурига мувофиқ, вазирликларга бўйсунувчи йирик корхоналар ҳамда вилоят тасарруфидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналари бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳридаги «СамКочавто» қўшма корхонасининг автобуслари ва юк автомобиллари учун 240 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Бу юмушга вилоятдаги 10 та йирик корхона жалб этилган. «Алпомиш», «Кинап», «Коммунальник» каби корхоналар шулар сирасига киради. Уларда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар эса чет давлатларда синовдан ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар импортини камайтириш мақсадида вилоят тасарруфидаги бир қатор корхоналар, ўрта ва кичик бизнес субъектлари маҳаллий хомашё билан ишлашга ўтказилмоқда. Хусусан, «Самарқанд ЛТ» қўшма корхонасида қиймати 94 минг АҚШ долларилик нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуна ўрнатилиб, тўлиқ маҳаллий хомашё билан ишлаш йўлга қўйилган бўлса, «Ал-Роҳат», «ТЭК» каби кичик корхоналарда маҳаллий хомашё асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу ўринда 2000 йилнинг 1-чорагида вилоят ташқи иқтисодий фаолиятида ижобий сальдога эришилганини айтиб ўтиш жоиз. Ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши 65 фоизга етди. Экспорт таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, анъанавий пахта хомашёси ўрнини асосан озиқ-овқат маҳсулотлари (61 фоиз) эгаллагани қувонарлидир.

Бугунги кунда вилоятдаги микрофирмалар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳам шартнома асосида йирик корхоналарга хомашё ва бутловчи қисмларнинг 10 фоизини етказиб бермоқдалар. Йил охирига қадар бу кўрсаткични икки баравар ошириш мўлжалланган.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида, айниқса, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Бунда истеъмолчилар манфаати ва такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини берадиган даромад асосий мезон бўлмоғи лозим. Шу сабабли, бозор талабини ҳисобга олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, сарфланган харажатлар ва инвестицияларни қоплаш муҳим тамойиллар эканлигини унутмаслик зарур. Такрор ишлаб чиқаришнинг занжирида битта бўғин ҳисобланган кичик корхонадан тортиб, то тайёр маҳсулот тайёрлайдиган «гигант»гача – ҳаммаси сифат учун, истеъмолчи манфаати учун курашиши табиий заруратга айланмоғи шарт. Акс ҳолда, маҳсулот ўз харидорини топмайди, қилинган харажатлар ўзини оқламайди, корхоналар эса инқирозга юз тутади.

Ишлаб чиқаришда йирик ва кичик корхоналар ҳамкорлиги дунёнинг ривожланган мамлакатлари амалиётига хос ҳолат. Йирик корпорациялар ўзининг ички таркибий тузилишини қуришда бир қатор вазифалар ва ишлаб чиқариш объектларини кичик корхоналарга ўтказадилар, улар устидан у ёки бу шаклда назоратни сақлаб қоладилар. Бу қонунчилик билан мустаҳкамланган.

Масалан, АҚШ қонунчилигида йирик корхоналар билан қиймати 500 минг доллардан ошадиган федерал битимларни тузишда «гигант»лар ўз дастурларида бу ишларнинг бир қисмини унча катта бўлмаган корхоналарга ажратишлари белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг бажарилишини назорат қилиш Кичик бизнес маъмуриятига юклатилган.

Японияда кичик бизнес субъектларининг йирик корхоналар билан алоқаси пирамида шаклида ташкил этилган бўлиб, унинг чўққисида кўп корхоналар билан боғланган йирик корхона туради. Йирик корхона маҳсулотнинг истеъмолчиси сифатида кичик корхоналарга маҳсулот сифати, харажатлар ва юкни етказиб бериш шарт-шароитлари юзасидан муайян талабларни қўяди. Шунга кўра, япон иқтисодиёти икки қаватга: юқори – йирик корхона ва пастки – иқтисодиётнинг асоси бўлган кичик корхона тизимига ажратилади.

Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлашуви ва кичик бизнеснинг ҳар томонлама ривожлантирилиши натижасида йирик ва кичик корхоналарнинг ўзаро узвий алоқасини таъминлашда давлатнинг фаол иштироки зарур. Айниқса, бу қонунчилик асосларини такомиллаштиришда, имтиёзлар ва амалий кафолат беришда намоён бўлиши керак. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси йирик ва кичик корхоналар ўртасида алоқаларни кенг йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш вазифаларини бажаришда муҳим рол ўйнаши мумкин.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масаласи умумдавлат миқёсида ҳал этилиши, тегишли давлат тузилмалари қошида мувофиқлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Ўтиш даврида бу масалалар бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш яхши самара беради.

Жойларда йирик корхоналар учун асосий бутловчи қисмларни тайёрлаб берадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида улар давлат инвестиция дастурига киритилса, молиявий қўллаб-қувватлашнинг имтиёзли усуллари жорий этилса, айни муддао бўлур эди.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган». Бу ибора замирида нафақат халқимиз тадбиркорлиги ва омилкорлиги, балки унинг ғурури, обрўси ҳам мужассамдир.

**Азимжон ЖЎРАЕВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

## МИЛЛАТНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ

Баркамол авлод ҳар бир миллатнинг азалий орзуси. Чунки юртнинг келажаги бевосита улғайиб келаётган ёш авлодга боғлиқ. Бироқ орзунинг ўзи билан иш битмайди.

Кеча Паркентда Ибн-Сино халқаро жамғармаси ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий семинар ана шу дастурнинг амалдаги ижросига бағишланди. Оналар ва болалар камқонликлари муаммолари, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари олдини олиш борасида мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Семинар иштирокчилари амалиётчиларга бир қатор фойдали тавсиялар беришди.

**Дилбар ТУРҒУНОВА.**

ФОТО репортаж



# ҚУВА ҚАНДОЛАТИ

*Қува туманидаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси мустақиллик шарофати билан бунёд этилган жамоалар сирасига киради. Айни пайтда бу ерда 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчи ўнлаб турдаги қандолат маҳсулотларини эл дастурхонига тортиқ этмоқда.*

*Корхонада ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари ҳамда кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шу боис ҳам эришилаётган ютуқлар йил сайин ортиб бормоқда. Биргина шу йилнинг биринчи чорагига назар ташласак, натижалар анча қувонарлидир. Шў қисқа муддатда режадаги 1050 тонна ўрнига 1722,8 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрланди. Бу эса 20,7 миллион сўм соф фойда олиш демакдир.*





**СУРАТЛАРДА: корхона бош технологи Султонали Эргашев республика «Озиқ-овқат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси етакчи илмий ходими Венера Муродова билан; ишчи Шалолахон Ботирова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

**Ёз ҳам келиб қолди. Болаларнинг катта таътили бошланди. Улар энди мазза қилиб дам олишлари керак. Аммо, аксига олиб, бундай кезларда кўпгина оромгоҳу санаторийлар мавсумга шай эмаслиги аён бўлиб қолади. Хўш, бу йил аҳвол қандай?**

## ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашидан маълум қилишларича, аҳвол, ҳарҳолда, ёмон эмас. Касаба уюшмалари бу йилги ёз мавсумида 332 минг нафар ўғил-қизнинг дам олишини ташкил этишни режалаштирмоқда. Жумладан, 235 мингдан зиёд бола стационар турдаги, қолганлари эса дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариши мўлжалланган. Ҳар йилгидек бу ёзда ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан тўрт минг нафар ўғил-қиз Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг энг сўлим масканларида бепул дам олади. Ушбу мақсадларга касаба уюшмалари ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 1 миллиард 347 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Болалар оромгоҳларига йўлланманинг ўртача нархи 10-15 минг сўм бўлиб, унинг 5-10 фоизигина ота-оналар ҳисобидан қопланади. Шундай экан, йўлланмаларнинг баҳоси кўпчилик учун қимматлик қилмайди. Таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари йўлланмаларнинг 50 фоизини кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларга бепул ажратади.

Касаба уюшмалари кенгашидан айтишларича, жорий йилда болалар оромгоҳлари сони 188 тага қисқартирилган. Бунинг сабаби текширилганида, шунча дам олиш маскани оддий санитария талабларига жавоб беролмаслиги маълум бўлди. Стационар дам олиш масканлари сонининг камайганини эътиборга олиб, мактаблар қошидаги оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш ишлари янада жонлантирилмоқда.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадида жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва барча вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида ёзги соғломлаштириш ишларини мувофиқлаштириб борувчи комиссиялар ташкил этилган. Комиссиялар таркибида касаба уюшмалари кенгаши, савдо, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, санитария-эпидемиология назорати, ички ишлар, автотранспорт соҳаларининг вакиллари бор. Ишнинг бундай нуфузли комиссиялар томонидан ташкил этилиши ва бошқарилиши болаларнинг ёзги таътили кўнгилдагидай ўтишини таъминлайди.

**Назокат УСМОНОВА.**
**(ЎзА).**

## УСТЮРТДАГИ УЛКАН ЗАВОД

Қўнғирот сода заводи сода ишлаб чиқариш цехида асбоб-ускуналарни ўрнатиш ниҳоясига етди. Айни вақтда асосий хомашё олинадиган "Борсакелмас" туз конида қурилаётган ётоқхона, маъмурий, маиший хизмат кўрсатиш биноларини пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Шуни айтиш кераккки, мазкур завод бундан беш йил муқаддам Устюрт саҳросининг кимсасиз Кийиксой деган жойида қурила бошлаган эди. Шу вақт мобайнида бу ерда корхона билан бир қаторда замонавий ишчилар шаҳарчаси бунёд этилди. Ҳозир бу шаҳарчада клуб, меҳмонхона, деҳқон бозори, савдо маркази қурилмоқда.

– Корхонанинг тўла қувват билан ишга туширилиши учун 654,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилади, — дейди завод қурилиши бош директори Рево Давлатёров. — Шундай қилиб, корхонада келгуси йилдан бошлаб йилига 380 минг тонна кальций, 20 минг тонна озиқ-овқат содаси, кўплаб ош тузи ишлаб чиқарила бошланади. Бу эса мамлакатимизнинг ана шундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, уларнинг бир қисмини экспорт қилиш имконини ҳам беради.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Меҳнат муҳофазаси*

# ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА...МИ?

Меҳнат жамоаси вакилларининг конференцияси кескин тус олди. Айниқса, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар теварагидаги баҳс авжига чиқди. Касаба қўмитасининг маърузасида ҳам, нотиқларнинг чиқишларида ҳам хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга доир масалалар ҳамиша ҳам ўз ечимини топмаётганлиги, ишбошилар, катта-кичик мутахассислар ўзаро назоратни бўшаштириб юборганликлари, баъзи раҳбарлар эса масъулиятни мутлақо унутиб қўйганликлари алам ва ташвиш билан таъкидланди.

**ОҚИБАТ: Ўтган йили Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 14 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Тўрт ҳолат фожиа билан тугади.**

Қиёс учун айтиш мумкинки, олдинги йили 18 та бахтсиз воқеа юз берган ва бир киши ҳалок бўлганди. Савол туғилади: нега шундай бўлмоқда? Наҳотки, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин эмас? Ахир, ҳаммасини тасодиф билан изоҳлаб бўлмайди-ку?

Олмалиқда мўъжизакор касб эгалари меҳнат қилишади. Юксак малакали металлурглар, кончилар маъданларни эритиб, сара олтин, мис, рух, бошқа рангли металлар олишади. Улар яратаётган бойликлар бугун мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга, куч-қудратини оширишга хизмат қилмоқда. Ғоят мураккаб молиявий шароитда, айрим хомашё ва материаллар танқислиги ишлаб чиқариш маромига ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда корхона жамоаси ички резервларни қидириб топмоқда, ноёб технология жараёнлари тўхтаб қолишига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда.

Бир йил ичида меҳнатни муҳофазалаш, соғлом иш жойларини яратишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Шу мақсадларга бир миллион 600 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 69 ишловчи, шу жумладан, 23 хотин-қизнинг иш шароитлари тартибга солинди. Махсус иш кийимлари, якка тартибда фойдаланиладиган муҳофаза воситалари билан таъминлаш яхшиланди.

Лекин бахтсиз ҳодисалар юз бериб турибди. Эрта билан ишга отланган соғлом кишиларнинг ораларидан баъзилари иш чоғида жароҳат олиб, айримлари нобуд бўлишмоқда.

Меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигига сарфланган маблағ билан бахтсиз ҳодисалар оқибатида сарфланган бирйўла тўловлар орасидаги фарқ ер билан осмонча. Бевақт юз берган ўлимлар-чи? Олинган жароҳатлар оқибатида умрбод ногирон бўлиб қолган кишилар-чи? Ҳар бир бахтсиз ҳодиса оқибатида меҳнат жамоасидаги маънавий муҳитга етадиган зарар-чи?

Иш жойларини ташкил этишдаги нуқсонлар натижасида комбинат бўлинмаларида касалликларга чалиниш ҳам кучли. Шу туфайли бир йилда 134 минг киши-куни бой берилган. Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотганлиги учун ижтимоий суғурта жамғармасидан 91 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Яна бошқа бир ҳолат ҳам тасодиф эмас. Сўнгги йилларда касб касалликларига чалиниш кўпайганлиги қайд қилинмоқда. Айниқса, Қалмоққир кони автотранспорт бошқармаси бўғинларида ходимлар бундай дардларга бот-бот чалинишмоқда.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш учун маъмурият ва касаба қўмитаси амалий чоралар кўра бошлади. Иш жойларини баҳолаш, раҳбар ва мутахассисларнинг техника хавфсизлиги даражаси учун масъулияти оширилди. Жамоатчиликнинг назорати кучаймоқда. "Учинчи минг йилликка — фалокатларсиз ва жароҳатларсиз" кўрик-танлови бу саъй-ҳаракатларга алоҳида самарадорлик бағишламоқда. Яқинда комбинат касаба қўмитаси кўрик-танловнинг дастлабки якунларини чиқарди. Саричек кони ғолиб деб топилди.

— Яқин-яқинларгача "Ўзбеккимёмаш", "Чирчиққишлоқмаш" масъулияти чекланган акциядорлик жамиятлари, "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам техника хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, меҳнатни муҳофазалашнинг аҳволи бизни қониқтирмасди, — дейди металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси меҳнат муҳофазаси нозири Рафаэл Султонов. — Кўрик-танлов барча корхоналаримизда бу борада жонланиш юз беришига олиб келди.

Чунончи, Қоулди кони, ишлаб-чиқариш-транспорт цехидаги ўзгаришлар кишини қувонтиради. Ишчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг билимларини текшириб бориш, қайта тайёргарлик курсларида ўқитиш мунтазам тус олди. Бир йил ичида 47 ишловчи ўз малакасини ошириб, 135 киши билим ва малакани баҳолаш синовидан ўтказилди. Ускуналарни созлаш, иш жойларида соғлом меҳнат шароитларини яратиш, якка тартибдаги муҳофаза воситаларидан фойдаланишни назорат қилишга эътибор кучайтирилди. Махсус иш кийимларини зарарсизлантириш йўлга қўйилди. Ишловчилар сут билан тўла таъминланмоқда.

Айни чоғда мутахассис ва жамоатчи назоратчиларнинг текширувлари ҳам сусайтирилмаётир. Улар аниқлаган камчиликлар дарҳол бартараф этилаётир. "Мана шундай изчиллик, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, — деди касаба қўмитаси раиси Ш. Аноров, – бирор бир тасодифларсиз ишлаш имконини бермоқда".

"Трансформатор" масъулияти чекланган жамиятнинг 3-цехи жамоаси эса тўрт йилдан буён бахтсиз ҳодисаларсиз ишлаб келмоқда. Мутахассислар ҳар бир участкада жиҳозлаб қўйишган техника хавфсизлиги бурчаги ишловчиларни ҳамиша эҳтиёткор бўлишга, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига оғишмай риоя қилишга даъват этиб турибди. Бу ерда техника хавфсизлиги устидан назоратнинг уч босқичли усули жорий этилган. Тажрибали, бообрў ишловчилардан иборат таркибдаги меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар назорати ҳам ўз самараларини бераяпти.

Слесарь Р. Аблямитов — механика цехида жамоат назоратчиси. У техника хавфсизлигига иш жойларида қандай риоя қилинаётганлигини ҳамиша кузатиб боради, керагида айбдорларга танбеҳ бериб, жиддий огоҳлантиради, керагида маслаҳати ва ёрдамини аямайди. Текширувчилар шунинг учун ҳам бу цехда меҳнат муҳофазаси қоидаларидан чекиниш ҳолларини топиша олмайди.

**ДАЛИЛ: "Трансформатор" корхонасининг механика цехида йил давомида бир марта қоидадан чекиниш — белгиланмаган жойда чекиш рўй берди.**

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай тадбир асло изсиз қолмайди. Жумладан, шу механика цехи жамоасининг ўзи, мана уч йилки, у ёки бу тасодифлардан холи.

"Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги" масъулияти чекланган акциядорлик жамиятининг асбобсозлик цехида ҳам кўпдан буён техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳоллари қайд қилингани йўқ. Иш жойларида соғлом меҳнат шароитини барпо этиш учун зарур бўлган чоралар кўриб келинмоқда. Ҳаво сўрғич ускуналари самарали ишлатилади, барча санитария-маиший шароитлар яратилган. Техника хавфсизлиги бурчагида ишчилар билан муҳандисларнинг дилкаш, ошкора суҳбатлари анъана тусини олган. Ҳамма ишловчилар махсус иш кийимлари, якка тартибда фойдаланиладиган муҳофаза воситалари билан тўлиқ таъминланган. Соғлиқ учун зарарли жойларда меҳнат қилувчи ходимларнинг саломатлиги алоҳида синчковлик билан кузатиб борилади.

Касаба қўмиталарининг аъзолари, жамоатчи фаоллар билан мутахассислар ҳамкорликда ўтказадиган мақсадли текширишлар, айниқса, яхши натижа бермоқда. "Ранглиметалсозлаш" акциядорлик жамиятида, масалан, бундай текширишларда муҳандислар, техниклар, участка бошлиқлари ҳам иштирок этишади. Меҳнат муҳофазаси ёки техника хавфсизлиги бирор бир кўринишда бузилаётгани аниқланса, айбдорлар меҳнат жамоаси муҳокамасига ҳавола этилади. Ишчи сўзи эса кескин, талабчан, муросасиз бўлади.

— Шундай ўзаро талабчанлик, — дейди акциядорлик жамияти касаба қўмитасининг раиси В. Маковеев, — иш жойларида тасодифий ҳодисалар, техника хавфсизлиги қоидаларидан чекиниш ҳолларига барҳам бермоқда, Жамоамизда соғлом, ишчан муҳит қарор топишида бунинг аҳамияти катта, албатта.

Вилоят металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарида "Учинчи минг йилликка — фалокатларсиз ва жароҳатларсиз!" шиори остидаги ҳаракат шу тариқа кенгайиб бораяпти. Меҳнат муҳофазаси кўрик-танловида оддий ишловчиларнинг тобора кенг қатламлари иштирок этишмоқда. Чунончи, "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-пўлат қуйиш цехида М. Умурқулов, мартен цехи бригадири М. Азимов, 1-пўлат қуйиш цехида А. Селезень, катта электрчи А. Маликов, шофёр Ли Григорий, слесарь Ю. Жидяев фаол қатнашаётирлар. Шу каби жонкуярларнинг саъй-ҳаракатлари билан меҳнатни муҳофазалаш даражаси яхшиланиб бормоқда, иш жойларини баҳолаш талабчанлик билан ўтиб, соғлом меҳнат шароити яратилган иш ўринлари майдони кенгаймоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР, МЕДАЛЛАР, ҒОЛИБЛАР

**(Махсус мухбирларимиз О.Ражабов ва Қ.Нажмиддинов Намангандан хабар қиладилар)**

Мамлакатимизда талаба-ёшлар спортига эътиборнинг ёрқин исботи бўлган «Универсиада-2000» мусобақалари навбатдаги босқичга кўтарилди. Наманганнинг жаҳон андозаларига мос ўндан ортиқ спорт иншоотларида республикамизнинг турли бурчакларидан келган қайноқ қалб йигит-қизлар Ватаннинг муносиб фарзандлари учун зарур бўлган фазилат — жисмоний етуклик намунасини намоён этишаётир. Кичик олимпиадага тенглаштирилган бу муҳим тадбирга Барселона, Атланта, Нагана ва бошқа қатор мамлакатларда ўтказилган халқаро олимпиадалар тажрибасидан келиб чиқиб ҳозирлик кўрилгани мусобақалар муваффақиятини таъминламоқда. Беллашувларнинг боришини диққат билан кузатаётган кенг жамоатчилик универсиаданинг аҳамиятини юқори баҳолаб, у келажагимиз эгаларининг нафақат жисмоний, балки маънавий камолга етишида ҳам муҳим омил бўлиб қолишига умид билдирмоқда. Чиндан ҳам, Президентимизнинг ушбу анжуман қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, универсиада баҳслари унда иштирок этаётган ёшларнинг иродасини тоблаб, аниқ мақсад сари интилишга, қийинчиликларни чидам ва бардош билан енгишга ўргатаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Кун сайин кескинлашаётган курашлар «Ёшларнинг ўзи универсиаданинг аҳамиятини қандай тушунадилар?» деган саволга амалий жавоб бўлаётир. Улар бугун давом этаётган тадбир республикамизда талаба-ёшлар спорти ворислари бўлган мактаб, лицей, коллежлар ўқувчиларига тузуккина намуна бўлишини яхши биладилар.

— Наманганликлар универсиада руҳини ҳаммадан яқинроқ сезиб туришибди, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Шокиржон Қорабоев. — Бутун вилоят аҳли шаҳримиз меҳмонларига Наманганнинг ўзига хос анъаналарини, меҳмондўстлигини намоён этишга ҳаракат қилишмоқда. Жойларда мусобақаларнинг рисоладагидек ўтишига, иштирокчиларнинг бўш вақтлари кўнгилли ташкил этилишига ҳамма бирдай масъулият билан ёндошаётир. Ўйлайманки, мустақил юртимизда илк бор ўтказилаётган мазкур тадбир навбатдагилари учун яхшигина тажриба мактаби бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, мусобақалар ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик ва юқори савияда ўтаётир. Универсиада Низомига киритилган спорт турларининг айримлари бўйича якунлар ҳисоб-китоб қилинаяпти. Чунончи, ўтган куни кураншнинг халқаро тури бўйича беллашувлар ниҳоясига етди. Унда рақиблари курагини кўпроқ ерга теккизган тошкентликлар жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Бухоро ва Наманганнинг ёш полвонларига эса иккинчи ўрин насиб этди. Томошабинлар турли вазн тоифасидаги йигитларнинг бел олишувини мароқ билан томоша қилиб, республикамизда спортнинг ушбу турига эътибор нақадар юксалаётганини яна бир бора тушуниб етдилар. Биринчи олтин медалга 60 килограммлик вазн тоифасида майдонга тушган тошкентлик Искандар Расулов сазовор бўлди. 66 килограммлик вазндагилар ўртасида эса наманганлик Аюб Камоловнинг қўли баланд келди. Кумуш ва бронза медалларни қўлга киритганлар орасида самарқандлик Элбек Умаров, Умид Бекназаров, тошкентлик Темур Аҳмедов, бухоролик Ўткир Эгамов ва бошқалар бор. Умуман, мусобақанинг бу тури бўйича 7 та олтин медаль эгасини топди. Кураш майдонидаги баҳсларни энди фарғонача беллашув усули қатнашчилари давом эттиришади.





Стол тенниси бўйича финал баҳсида иштирок этадиганлар аниқ. Биринчи гуруҳдаги курашларда Наманган Давлат университети кичик ракетка усталари олдинга чиқиб олишди. Иккинчи гуруҳда Фарғона Давлат университети талабаларининг қўли баланд келди. Бугун бошланадиган финал мусобақаларида Наманган ва Фарғона жамоаси биринчи, Самарқанд ва Андижон жамоалари кейинги ўринлар учун майдонга тушадилар.

Олтмиш тўрт катак устидаги қизиқарли ўйинлар универсиадага жўшқинлик бахш этаётир. «Шоҳрух» клубига йиғилган шахматчиларнинг уч турдаги курашларидан сўнг биринчи гуруҳда Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари 7 очко билан биринчи, термизликлар 6 очко билан иккинчи ўринда боришаяпти. Кейинги гуруҳда эса 8 тадан очкони қўлга киритган Наманган ва Самарқанд вилояти жамоалари биринчи ва иккинчи, андижонликлар 5 очко билан учинчи ўрин эгаси бўлишди.

Чортоқдаги «Универсиада-2000» шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида кичик олимпиада байроғи кўтарилганига тўрт кун бўлаяпти. Шундан бери ҳар тонгда тантанали суратда кўтарилаётган байроқ анжуман иштирокчиларини спортда юксак марраларни қўлга киритиб, жисмоний чиниқишнинг янги-янги қирраларини юзага чиқаришга чорламоқда.

**М. АМИН, Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## "ХАЗИНА"ДАН ЧИҚҚАН "ТИКО"

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ўз олдига қўйган илмий, маърифий ва айниқса, хайрия ишларини кенгроқ миқёсда амалга ошириш учун шу йилнинг февраль ойида 500 миллион сўмлик "Хазина-4" лаҳзалик хайрия пул-буюм лотереясини чиқарган эди. Ютуқлар орасида 20 та автомобиль ҳам бор эди. Куни кеча жамғармада биринчи ютуқ соҳибига "Тико" машинаси тантанали равишда топширилди.

Юз сўмга "Хазина-4" олиб, машина миниб кетган инсон Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги академик-лицей директорининг ўринбосари Юсуф Мўминов бўлиб чиқди.

(ЎзА).


С. Қ. Исломбеков номли «Ўзкимёфарм» ОҲЖ маҳсулотлари кенг ассортименти.

ИСТАЛГАН МИҚДОРДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

*Дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар эътиборига!*

**«ЎЗКИМЁФАРМ» ОҲЖ**

**Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар омборлари орқали энг зарур тиббиёт воситалари рўйхатидаги дори-дармонларни таклиф этади, шунингдек, бошқа дори препаратларини етказиб беради.**

Тўлов шакли — «Ўзкимёфарм» ОҲЖ ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан.

*Нархлар келишувга биноан пасайтирилиши мумкин.*



Дори воситаларини сотиб олиш масаласи бўйича батафсил ахборотни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (99 871) 56-71-68.
Факс: 56-71-67; 56-60-59.
Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко кўч, 23
(мўлжал — Шимолий вокзал атрофида).

2804



**«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ОТҲЖ**

**ҲИССАДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**2000 йил 26 июн куни, соат 15.00 да**

**Оҳангарон шаҳри (саноат зонаси) ҳиссадорлик жамияти мажлислар залида бўлишини маълум қилади.**

**Ҳиссадорларни рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йилги иш фаолияти тўғрисида ҳисобот ва 2000 йил вазифалари тўғрисида.
2. Ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йилги ҳисоботи, йиллик балансы, фойда ва зарар ҳисоботларини тасдиқлаш.
3. Ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йилдаги молия-хўжалик фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаларини тасдиқлаш.
4. Ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йилдаги молия-хўжалик фаолияти бўйича аудитор хулосаларини тасдиқлаш.
5. Дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
6. Жамият Низомига ўзгартиришлар киритиш.

**Йиллик умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган ҳиссадорлар рўйхати 2000 йил 25 май ҳолатига кўра тузилган.**

**Маълумот олиш учун манзил:**
**Оҳангарон шаҳри «Оҳангароншифер» ОТҲЖ саноат зонаси, қимматбаҳо қоғозлар бўлими, телефон 42-182**

2922

**Кузатув кенгаши.**



**ABN·AMRO Bank**

**Best Bank in Uzbekistan**

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда
Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси — АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи ўтган аср бошидаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("Банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-йўлак.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс: 120-63-67.*

2777



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ**

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПРОГРАММАСИ»

**Республика танловини эълон қилади.**



*Мулкий шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ташкилот, муассаса ва идоралар ҳамда танловда қатнашиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча фуқаролар таклиф этилади.*

**Таклифлар 2000 йил 31 октябргача қабул қилинади.**

**Танлов шартлари ва бошқа маълумотлар билан «Инфо-Фан»Ахборот технологиялар марказида танишишингиз мумкин.**

**Бизнинг манзилгоҳ:**

**700017, Тошкент шаҳри, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 29.**
**Тел.: (998-71) 139-19-52 (ички - 19-52).**
**Факс: (998-71) 139-17-73.**
**E-mail: bakhrom@itc. silk. org.**

2891


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, уруш қатнашчиси

**Жалол МАҲСУМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Бадиий академияси бошқаруви жамоаси Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдунаби Бобоевга отаси

**Жўра БОБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Республика радиоси «Ахборот» эшиттиришлар бош муҳарририятининг катта муҳаррири Меҳринисо Алимқуловага онаси

**Мусаллам НАЗАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Ўзбекистоннинг Кореядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виталий Васильевич Фенга отаси

**Василий ФЕНнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси ботаника ва табиатни муҳофаза қилиш кафедраси собиқ доценти

**Отахон АБДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзқурилишматериалсавдо» акциянерлик жамияти жамоаси «Сурхондарёқурилишматериалсавдо» корхонаси раҳбари

**Умаржон СИДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Нуроний жамғармаси марказий кенгаши кенгаш раисининг собиқ биринчи ўринбосари Эркин Ҳайитбоевга рафиқаси

**Дилбархон АБДУЛЛЕВАнинг**

вафоти сабабли чуқур ҳамдардлик билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 376. 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Э. Мавлонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 00.10* 1 2 3 4 5 6